

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМИРОВ УКТАМ ФАРХОДОВИЧ**

**НОАНИҚ ДИНАМИК ОБЪЕКТЛАРНИ АДАПТИВ БОШҚАРИШ  
ТИЗИМЛАРИНИ МУНТАЗАМ СИНТЕЗЛАШ УСУЛЛАРИ ВА  
АЛГОРИТМЛАРИ**

**05.01.08 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни  
автоматлаштириш ва бошқариш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Мамиров Уктам Фарходович**

Ноаниқ динамик объектларни адаптив бошқариш тизимларини  
мунтазам синтезлаш усуллари ва алгоритмлари ..... 3

**Мамиров Уктам Фарходович**

Методы и алгоритмы регулярного синтеза систем адаптивного  
управления неопределенными динамическими объектами ..... 29

**Mamirov Uktam Farkhodovich**

Methods and algorithms for regular synthesis of adaptive control systems  
for uncertain dynamic objects ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМИРОВ УКТАМ ФАРХОДОВИЧ**

**НОАНИҚ ДИНАМИК ОБЪЕКТЛАРНИ АДАПТИВ БОШҚАРИШ  
ТИЗИМЛАРИНИ МУНТАЗАМ СИНТЕЗЛАШ УСУЛЛАРИ ВА  
АЛГОРИТМЛАРИ**

**05.01.08 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни  
автоматлаштириш ва бошқариш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.DSc/T440 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат техника университетида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) joyлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Игамбердиев Хусан Закирович**  
техника фанлари доктори, профессор, академик

**Расмий оппонентлар:** **Марахимов Аважон Рахимович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Назаров Улугбек Султанович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Файзиматов Шухрат Нуманович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** «Химвавтоматика» МЧЖ ҚҚ

Диссертация змояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» 11 соат 10<sup>23</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: [tstu\\_info@edu.uz](mailto:tstu_info@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (226 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 207-14-70).

Диссертация автореферати 2021 йил «12» 11 кuni тарқатилди.  
(2021 йил «03» 11 даги 16 рақамли реестр баённомаси).



*[Signature]* **Н.Р.Юсупбеков**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
т.ф.д., профессор, академик

*[Signature]* **У.Т.Муҳамедханов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
техника фанлари доктори, профессор

*[Signature]* **Ж.У.Севинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги Илмий семинар раис ўринбосари,  
т.ф.д., доцент

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ҳозирги вақтда автоматлаштириш масалаларини ҳал қилишда тезкор бошқариш, бошқариш контурларидаги кўплаб ўзаро таъсирли ва ўзаро боғлиқли ўрнатилган параметрларни назорат қилиш ва ушлаб туришни талаб қилувчи технологик жараёнларни такомиллашган бошқариш тизимларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда дунёнинг етакчи мамлакатларида маълум ютуқларга эришилган бўлиб, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини янада ошириш учун бошқариш усуллари ва воситалари ишлаб чиқилмоқда ва такомиллаштирилмоқда. Бироқ, реал автоматлаштириш объектларида бошқариш жараёнларининг сифатини сезиларли даражада пасайтирадиган, ҳисобга олинмайдиган параметрик, структуравий, функционал ва бошқа турдаги ноаниқликлар мавжуд. Бу борада, ноаниқликлар шароитида технологик жараёнларнинг сифат кўрсаткичларини ошириш имконини берадиган адаптив бошқариш тизимларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда ноаниқликлар шароитида бошқариш объектларининг юқори аниқликга эга бўлган адаптив бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш, уларнинг параметрларини узлуксиз идентификациялаш ва ҳолатини баҳолашга йўналтирилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, технологик жараён моделининг тасодифий омилларини ўзгариши ва тасодифий ғалаёнларнинг таъсир кўрсатиши шароитларида ишлайдиган бошқариш тизими учун оптимал структурани танлаш ва ишлаб чиқиш масаласини ҳал қилиш долзарб ҳисобланмоқда. Шу жиҳатдан, ҳозирги вақтда ноаниқ динамик объектларни бошқариш тизимларини такомиллаштириш, адаптив бошқариш жараёнларини оптималлаштириш, объектларни идентификациялаш ва баҳолаш осттизимларини синтезлаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда иқтисодиётнинг турли тармоқларига уларни жорий қилиш бўйича тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни юқори самарали бошқариш тизимларини яратиш бўйича ишларни самарали ташкил этиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар олиб борилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... миллий иқтисодиётнинг самарадорлигини ошириш, ... иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларидаги меҳнат унумдорлигини ошириш, ... иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан нотўғри қўйилган масалаларни ечишдан фойдаланиб, ноаниқ динамик объектларни адаптив бошқариш тизимларини мунтазам синтезлаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим вазифа ҳисобланади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 19 феврал ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари» Фармонлари, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Технологик объектларни адаптив бошқариш тизимларини синтезлашнинг усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишга йўналтирилган кенг қамровли илмий-тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан «Honeywell», «Siemens», Massachusetts Institute of Technology, University of California (АҚШ), Kungliga Tekniska högskolan (Швеция), Imperial College London, The University of Edinburgh (Буюк Британия), Technical University Munich, Technical University Darmstadt (Германия), Tokyo Institute of Technology (Япония), Korea Advanced Institute of Science and Technology (Жанубий Корея), «Alstom» (Франция), «Simatek-Energo» (Беларусия), University of Science and Technology of China (Хитой), Н.Э. Бауман номидаги Москва давлат техника университети, РФА Бошқариш муаммолари институти, Санкт-Петербург информатика ва автоматлаштириш институтларида (Россия Федерацияси) олиб борилмоқда.

Ноаниқ динамик объектларни адаптив бошқариш тизимларини синтез қилиш усуллари ва алгоритмларини яратиш ҳамда бошқариш тизимларини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан ноаниқлик шароитида бошқариладиган объектларни адаптив параметрик идентификациялаш ва баҳолаш усуллари ва алгоритмлари яратилган (Massachusetts Institute of Technology, University of California (АҚШ); Kungliga Tekniska högskolan (Швеция), РФА Бошқариш муаммолари

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.honeywell.com/us/en>, <https://www.siemens.com/global/en.html>, <https://web.mit.edu/>, <https://www.universityofcalifornia.edu/>, <http://www.cdio.org/>, <https://www.imperial.ac.uk/>, <https://www.ed.ac.uk/>, <https://www.tum.de/en/>, <https://www.tu-darmstadt.de/index.en.jsp>, <https://www.titech.ac.jp/english>, <https://en.snu.ac.kr/>, <https://www.kaist.ac.kr/kr/>, <https://www.alstom.com/>, <http://www.simatek.by/ru/index.html>, <https://en.ustc.edu.cn/>, <http://www.cedar.buffalo.edu/~srihari/CSE555/>, <https://bmstu.ru/>, <http://www.spiiras.nw.ru/>, <http://www.mipt.ru/>, <https://elibrary.ru/item.asp?id=21681096>, <https://studfiles.net/1376730/>, <https://cyberleninka.ru/.../obzor-metodov-raspoznavaniya-simvolov>, <http://ieeexplore.ieee.org/document/824819/>, <http://intellect-tver.ru/?p=165>, <http://www.nickart.spb.ru/analysis/market.php>, <https://www.ipu.ru/> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

институты (РФ)); чизикли ноаниқ тизимларни робастли бошқариш усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган (The University of Edinburgh (Буюк Британия); Tokyo Institute of Technology (Япония); University of Science and Technology of China (Хитой); Н.Э. Бауман номидаги Москва давлат техника университети (РФ)); динамик объектларни адаптив бошқариш ва мослашиш алгоритмлари ишлаб чиқилган (Technical University Darmstadt (Германия); Санкт-Петербург информатика ва автоматлаштириш институты, (РФ)); параметрик ва структуралы ноаниқликлар шароитларида бошқариш объектини идентификациялашнинг адаптив алгоритмлари ишлаб чиқилган (Korea Advanced Institute of Science and Technology (Жанубий Корея); Technical University Munich (Германия), Н.Э. Бауман номидаги Москва давлат техника университети (РФ)); норавшан ростлагичлар ва нейротармоқ технологиялари базасида адаптив бошқариш тизимларини синтезлаш усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган (University of California, (АҚШ); Linköping University, (Швеция); РФА Бошқариш муаммолари институты, РФ)).

Замонавий ахборот технологиялари ютуқларини жалб қилган ҳолда, ноаниқ динамик объектларни адаптив бошқариш тизимларини яратиш воситаларини ишлаб чиқиш бўйича жаҳонда бир қатор устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, ноаниқ параметрли бошқариш объектларини математик моделларини шакллантириш, параметрик ва структуралы ноаниқлик шароитларида бошқариш объектларини идентификациялашнинг адаптив алгоритмларини ишлаб чиқиш, зарурий аниқлик ва ростлаш сифатини таъминлайдиган, интеллектуал технологиялар базасида нозикли ноаниқ объектларни адаптив бошқариш тизимларини синтезлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Динамик объектларни бошқариш жараёнларини мослаштириш ва турли хил мураккабликлар ва ноаниқликларни ҳисобга олган ҳолда юқори самарали бошқариш тизимларни яратиш, параметрик, структуралы ва модели ноаниқликлар шароитида технологик объектлар ва жараёнларни адаптив бошқариш тизимларини ишлаб чиқишнинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ қилиш саволлари бўйича қатор хорижлик олимлар, жумладан G.A.Apostolakis<sup>3</sup>, J.Dewooght<sup>4</sup>, J.K.Hedrick<sup>5</sup>, M.Hinrichsen<sup>6</sup>, D.Thunnissen<sup>7</sup>, H.K.Lee<sup>8</sup>, P.V.Shankar<sup>8</sup>, B.Song<sup>5</sup>, В.Н.Афанасьев<sup>9</sup>, Б.Р.Андреевский<sup>10</sup>, А.А.Бобцов<sup>11</sup>, С.В.Емельянов<sup>12</sup>,

<sup>3</sup> Apostolakis G.A. A Commentary on Model Uncertainty. Presented at Proc. Workshop I Adv. Topics Risk Reliab. Anal. – Model Uncertainty: Its Character Quantification, Annapolis, MD. 1994. P. 973–980.

<sup>4</sup> Dewooght J. Model uncertainty and model inaccuracy, Reliability Engineering and System Safety. 1998. Vol. 59. P. 171-185.

<sup>5</sup> Song, B., Hedrick, J.K. Dynamic Surface Control of Uncertain Nonlinear Systems. An LMI approach. – Springer Science & Business Media, 2011.

<sup>6</sup> Hinrichsen, M. Control of Uncertain Systems. USA. Springer Science & Business Media, 2011.

<sup>7</sup> Thunnissen D. Uncertainty classification for the design and development of complex systems, Proceedings of the 3rd Annual Predictive Methods Conference, Veros Software, Santa Ana, CA, June, 2003. P. 1-16.

<sup>8</sup> Shankar P. Bhattacharyya, Lee H Keel. Control of Uncertain Dynamic Systems. CRC Press. 1991. -544 p.

<sup>9</sup> Афанасьев В.Н. Управление неопределенными динамическими объектами. – М.: ФИЗМАТЛИТ, 2008. – 208 с.

<sup>10</sup> Андреевский Б.Р. Методы управления в условиях неопределенности. - Л.: ЛМИ, 1989. - 88с.

<sup>11</sup> Мирошник И.В., Никифоров В.О., Бобцов А.А. Адаптация пространственного движения нелинейных динамических систем // 6-й Санкт-Петербургский симпозиум по теории адаптивных систем (SPAS'99). 1999. С.115-119.

<sup>12</sup> Емельянов С.В., Коровин С.К. Стабилизация неопределенных динамических объектов с непрерывным временем. В сб. «Новые методы управления сложными системами», – М.: Наука, 2004.

С.К.Коровин<sup>12</sup>, Н.Н.Карабутов<sup>13</sup>, И.В.Мирошник<sup>11</sup>, В.О.Никифоров<sup>11</sup>, И.Б.Фуртат<sup>14</sup>, С.Б.Пельцвергер<sup>15</sup>, М.Ю.Сергин<sup>16</sup>, А.М.Цыкунов<sup>14</sup> ва бошқалар ҳамда мамлакатимиз олимлари, жумладан Б.М.Азимов, Т.Ф.Бекмуратов, Ш.М.Гулямов, О.О.Зарипов<sup>17</sup>, Х.З.Игамбердиев<sup>17,18</sup>, М.А.Исмаилов, М.М.Камилов, А.Р.Марахимов<sup>19</sup>, Ж.У.Севинов<sup>18</sup>, И.Х.Сидиков<sup>19</sup>, Ш.Х.Фазилов, Н.Р.Юсупбеков<sup>20</sup> ва бошқалар ўзларининг улкан хиссаларини қўшишган.

Юқорида айтиб ўтилган олимлар томонидан параметрлари ноаниқ бўлган бошқариш объектларининг математик моделларини шакллантириш, зарурий аниқлик ва ростлаш сифатини таъминлайдиган мураккаб динамик тизимларни идентификациялаш, баҳолаш ва бошқаришнинг адаптив алгоритмлари, чизиқли ноаниқ тизимларни робастли бошқариш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш муаммолари бўйича тадқиқотлар ўтказилган.

Шу билан бирга, кўриб чиқилаётган масалалар бўйича тадқиқотлар соҳасида эришилган ютуқларга ва ноаниқ объектларни адаптив бошқариш тизимларини синтезлаш усуллари соҳасида эришилган муҳим натижаларга қарамай, ҳозирги вақтда ноаниқ динамик объектларни адаптив бошқариш тизимларини синтезлашнинг мунтазамлашган алгоритмлари етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг №ЁФ-4-06 – «Созланувчи модели адаптив бошқариш системаларини синтезлашнинг мунтазам усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш» (2012-2013), №А-5-42 – «Априор ноаниқлик шароитида технологик объектларни автоматлаштирилган мониторинги ва бошқаришни интеллектуаллаштиришнинг дастурий инструментал воситаси» (2015-2017), №ОТ-Ф4-78 – «Идентификацион ёндашув асосида динамик объектларни адаптив бошқариш системалари синтезининг назарий асослари ва мунтазам усуллари ишлаб чиқиш» (2017-2020) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ноаниқ динамик объектларни адаптив бошқариш тизимларини мунтазам синтезлаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни муайян ишлаб чиқариш жараёнларини

---

<sup>13</sup> Карабутов Н.Н. Адаптивная идентификация систем: информационный синтез. 2006. - 384 с.

<sup>14</sup> Фуртат И.Б., Цыкунов А.М. Робастное управление нестационарными объектами с неизвестной переменной относительной степенью // Управление большими системами, 2011, Выпуск 33, –С. 91-112.

<sup>15</sup> Пельцвергер С.Б. Алгоритмическое обеспечение процессов оценивания в динамических системах в условиях неопределенности. -М.: Наука, 2004. – 116 с.

<sup>16</sup> Сергин Михаил Юрьевич. Принципы, методы и алгоритмы построения систем управления технологическими процессами со структурной неопределенностью: Дис. ... д-ра техн. наук: 05.13.06: Тамбов, 2004. -305 с.

<sup>17</sup> Игамбердиев Х.З., Юсупбеков А.Н., Зарипов О.О. Регулярные методы оценивания и управления динамическими объектами в условиях неопределенности. – Т.: ТашГТУ, 2012. –320 с.

<sup>18</sup> Игамбердиев Х.З., Севинов Ж.У., Зарипов О.О. Регулярные методы и алгоритмы синтеза адаптивных систем управления с настраиваемыми моделями. - Т.: ТашГТУ, 2014.

<sup>19</sup> Марахимов А.Р., Игамбердиев Х.З., Юсупбеков А.Н., Сидиков И.Х. Нечетко множественные модели и интеллектуальное управление технологическими процессами. –Т.: ТашГТУ, 2014. –240 с.

<sup>20</sup> Юсупбеков Н.Р., Нурмухамедов Х.С., Зокиров С.Г. Кимёвий технология асосий жараён ва қурилмалари. –Т.: «Фан ва технология», 2015, 848 б.



автоматлаштириш ва бошқариш масалаларини ечишда амалий қўллашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ноаниқ динамик объектларни бошқариш муаммолари ва усулларини тизимли таҳлил қилиш;

ноаниқ бошқариш объектларини параметрик ва координатали баҳолашнинг мунтазам алгоритмларини ишлаб чиқиш;

ноаниқ динамик объектларни барқарорлаштиришнинг мунтазам алгоритмларини ишлаб чиқиш;

параметрик ноаниқ объектларни адаптив бошқариш тизимларида ростлагичларни синтезлашнинг мунтазам алгоритмларини ишлаб чиқиш;

эталон моделлар асосида ноаниқ динамик объектларни адаптив бошқариш ва мослаштиришнинг мунтазам алгоритмларини ишлаб чиқиш;

ноаниқ динамик объектларнинг бошқариш тизимларини синтезлашнинг мунтазам алгоритмларини ишлаб чиқиш;

муайян технологик объектнинг адаптив бошқариш тизимини синтезлаш масаласини ечишда ноаниқ динамик объектларни адаптив бошқариш тизимларини мунтазам синтезлашнинг ишлаб чиқилган алгоритмлари ва ҳисоблаш схемаларини амалиётда қўллаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ноаниқ динамик объектларни адаптив бошқариш тизимлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ноаниқ динамик объектларни адаптив бошқариш тизимларини мунтазам синтезлаш усуллари ва алгоритмларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлилнинг умумий услибиёти, идентификациялаш, динамик баҳолаш, адаптив бошқариш, матрицани псевдоағдариш концепцияси ва нокоррект қўйилган масалаларни ечиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бошқариладиган тизимлар динамикасининг тескари масалалари концепциялари ва нокоррект масалаларни мунтазамлаштириш принципи асосида ноаниқ динамик объектларни адаптив бошқариш тизимларини синтез қилиш усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

максимал рангли чап ва ўнг нол бўлувчилар билан ажратилган бузилмаган блокли матрицани тескарилашнинг мунтазам алгоритмлари асосида бошқариш объектларининг ҳолат векторини баҳолаш процедурасини ноаниқлик омилларининг таъсирига сезгирмаслигини ошириш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

тахминий математик моделлар мавжудлигида локал оптималлаштириш усули асосида ноаниқ динамик объектларни барқарорлаштириш тизимини синтез қилишнинг мунтазам алгоритмлари ишлаб чиқилган;

оралиқ ҳисоблашларнинг тўғрилигини назорат қилишни осонлаштиришга имкон берувчи мунтазам итерацион алгоритмлар асосида ташқи ғалаёнлар ва сигналли ноаниқлик мавжудлигида чизиқли динамик объектларни барқарорлаштириш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

айлантириш ёки қайтариш матрицалари ёрдамида ростлагич коэффициентлари учун тенгламалар тизимидаги матрицани ёйиш асосида ноаниқ бошқариш объектларининг бошқариш бўйича турғунлик хусусиятини эътиборга олган ҳолда диссипативлик тўғрисидаги масалада адаптив ростлагични синтез қилишнинг мунтазам алгоритмлари ишлаб чиқилган;

координатали ва параметрик ғалаёнлар етарлича кенг диапазонда ўзгарганда тизимнинг ишлаш қобилятини таъминловчи тезлик градиенти, параметрли ва сигналли мослаштириш усуллари асосида ноаниқ динамик объектларни адаптив бошқаришнинг мунтазам алгоритмлари ишлаб чиқилган;

матрицани ёйишнинг турли ҳисоблаш схемалари асосида объект ҳолати тўғрисидаги маълумотлари нотўлиқ бўлган динамик объектларни бошқариш тизимларини синтез қилишнинг мунтазам соддалаштирилган ҳисоблаш процедуралари ишлаб чиқилган;

минимал итерация ва матрицаларни блоklarга бўлиш усулларидан фойдаланиб умумлаштирилган соzланувчи объектнинг базавий структураси учун кенгайтирилган тенгламалар тизими асосида параметрик ноаниқлик шароитида кўп қатламли нейрон тармоқли адаптив бошқариш тизимларини синтез қилишнинг мунтазам алгоритмлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

параметрик ноаниқлик шароитида бошқариладиган объектларнинг ўтиш матрицасини идентификациялаш, динамик объектларни бошқариш тизимларини синтезлаш масалаларини ечиш учун мўлжалланган дастурий таъминот ишлаб чиқилган;

одатий ишлаш шароитида ўтказилган саноат тажрибаси натижалари асосида аммиакли селитра ишлаб чиқаришнинг асосий осттизимлари учун математик моделлар ишлаб чиқилган;

аммиакли селитра ишлаб чиқаришни автоматик бошқариш тизимининг иерархик кўринишлари ишлаб чиқилган;

жараёнлар кечишининг технологик режимларини барқарорлаштириш ва уларнинг ишлаш самарадорлигини оширишга имкон берувчи мос техник таъминотли аммиакли селитра ишлаб чиқариш технологик жараёнларини адаптив бошқариш тизимининг функционал-структуравий схемаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** услубий жиҳатдан асосланган назарий ҳисоб-китобларни амалга оширилиши, идентификацион ёндашув асосида динамик объектларни адаптив бошқаришнинг назарий асосланган мезонларини қўлланилиши, замонавий автоматик бошқариш назариясининг амалий синовдан ўтган усуллари ва алгоритмларини ишлатилиши, адаптив бошқаришнинг таклиф этилган усуллари ва алгоритмларини талаб даражадаги яқинлиги, назарий ва амалий тадқиқотларнинг олинган натижалари ва уларнинг ўзаро мувофиқлиги билан таъминланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошқариш жараёнларининг сифати ва оперативлигини оширишга имкон берадиган, ноаниқ динамик объектларни

адаптив бошқариш тизимларини мунтазам синтезлашнинг конструктив усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти** технологик объектларнинг кенг тоифасида ноаниқ динамик объектларни адаптив бошқариш масалаларининг математик ва алгоритмик таъминотини ишлаб чиқилиши ва ишлаб чиқаришнинг узлуксиз характерли технологик жараёнларини адаптив бошқариш тизимларининг функционал структураларини куриш ва лойиҳалашни автоматлаштиришда кенг қўлланилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ноаниқ динамик объектларни адаптив бошқариш тизимларини мунтазам синтезлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бошқариш объектларининг ҳолат векторини баҳолаш процедурасини ноаниқлик омилларининг таъсирига сезгирмаслигини ошириш алгоритмлари «Навоийазот» АЖ да жорий қилинган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2021 йил 22 сентябрдаги 04-3420-сон маълумотномаси). Натижада, алгоритмлар созланувчи модели адаптив бошқариш тизимларида ростлагич параметрларини баҳолаш алгоритмларини синтезлаш масалаларини мунтазамлаш ва априори номаълум ташқи ғалаёнларга турғун бўлган қидирилаётган қийматлар баҳосини олиш имконини берган;

чизиқли ноаниқ динамик объектни барқарорлаштиришнинг мунтазам алгоритмлари «Навоийазот» АЖ да жорий қилинган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2021 йил 22 сентябрдаги 04-3420-сон маълумотномаси). Натижада, алгоритмлар идеал ишлаш шартлари бузилганда адаптив тизимларни ишлаш қобилиятини таъминлаш имконини берган;

матрицани ёйишнинг турли ҳисоблаш схемалари асосида объект ҳолати тўғрисидаги маълумотлари нотўлиқ бўлган динамик объектларни бошқариш тизимларини синтез қилишнинг мунтазам соддалаштирилган ҳисоблаш процедуралари «Навоийазот» АЖ да жорий қилинган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2021 йил 22 сентябрдаги 04-3420-сон маълумотномаси). Натижада, берилган спектрли тизимларни синтезлаш масаласини мунтазамлаштириш ва аммиакли селитра ишлаб чиқаришда жараёнларнинг технологик режимларини барқарорлаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 9 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш, шулардан – 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, жумладан, 10 таси хорижий журналларда нашр этилиб, ЭҲМ лар учун дастурий маҳсулотларга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан рўйхатдан ўтган 5 та гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 189 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, тадқиқот натижаларини апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ноаниқ динамик объектларни бошқариш муаммолари ва усуллари»** деб номланган биринчи бобда динамик объектларни бошқариш масалаларида ноаниқликларнинг таснифи ва типлари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ноаниқ параметрларга эга бўлган бошқариладиган объектларнинг математик моделини танлаш муаммоси, моделнинг ноаниқлиги шароитларида тизимларни бошқариш алгоритмларининг расмий тасвирланиши, ноаниқ динамик объектларни бошқариш тизимларини синтезлаш усуллари ва алгоритмларининг асосий турлари, тадқиқот мақсади ва вазифаларини қўйилиши келтирилган.

Турли саноат тармоқларида технологик жараёнларни автоматлаштириш юқори аниқликдаги самарали бошқариш тизимларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Ўз навбатида, юқори сифатли бошқариш тизимини куриш учун объектнинг параметрлари ва ғалаён таъсирлар ҳақида априор маълумотларга эга бўлиш керак. Реал ҳолатларда бундай маълумотлар одатда мавжуд эмас. Бундай ҳолларда объектни бошқариш жараёнида етишмаётган априор маълумотларни тўлдириш керак. Ушбу процедура бошқариш қурилмасини бошқариладиган объектнинг номаълум иш шароитларига мослаштириш билан боғлиқ.

Ноаниқ объектларни адаптив бошқариш тизимларини синтезлаш масалаларини ечишда, кўпинча, новариацион усуллар ғоясидан фойдаланилади. Шу сабабли, параметрик ноаниқ объектларни адаптив бошқариш тизимларини синтезлаш масалаларининг хусусиятларини нокоррект қўйилган масалалар назарияси усуллари ва энг самарали бўлганларини аниқлаш нуқтаи-назаридан таҳлил қилишга интилиш табиий равишда юзага келади. Ноаниқ динамик объектларни адаптив бошқариш тизимларини куриш назарияси ва ҳолатини қисқача таҳлил қилишдан хулоса чиқариш мумкин-ки, ушбу соҳада қидириладиган ечим ҳақидаги априор ахборот чекланган шароитларда мунтазам параметрик идентификациялаш ва ростлагични синтезлаш саволлари кам ўрганилган. Юқорида келтирилган фикрларга асосланиб, мазкур диссертация ишининг мақсадини параметрик ноаниқ динамик объектларни адаптив бошқариш системаларини мунтазам синтезлаш алгоритмларини тадқиқ этиш ва ишлаб чиқишни ёритиш ҳамда уларни амалиётда қўллаш деб таърифлаш мумкин.

Диссертациянинг “Ноаниқ бошқариш объектларини параметрик ва координатали баҳолашнинг мунтазам алгоритмларини ишлаб чиқиш” деб номланган иккинчи боби бошқариладиган ноаниқ объектларни параметрик баҳолашнинг мунтазам алгоритмларини ишлаб чиқишга бағишланган.

$$x_{k+1} = \tilde{A}x_k + \tilde{B}u_k + w_k, \quad x_{0|0} = x_0^0, \quad y_k = Hx_k + v_k,$$

кўринишдаги параметрик ноаниқликка эга бўлган объектнинг чизиқли моделини кўриб чиқамиз, бу ерда  $x \in R^n$ ,  $y \in R^l$ ,  $u \in R^m$  – объектнинг ҳолат вектори, объектнинг чиқиш вектори ва бошқариш вектори;  $w_k \in R^n$ ,  $v_k \in R^l$  – объектнинг тенгламаси ва кузатиш тенгламасидаги ўзаро мустақил оқ шовқинли Гаусс кетма-кетликлари,  $\tilde{A} = A_0 + \Delta A$ ,  $\tilde{B} = B_0 + \Delta B$ , бу ерда  $A_0, B_0$  – объект параметрларининг номинал қийматлари;  $\Delta A, \Delta B$  – объектнинг галаёнланли параметрларини квазистационар номаълум матрицалари.

Ҳолат бўйича чизиқли тескари боғланиш ёрдамида ички бошқариш контурини  $u_k = u_{1,k} - k_k^T x$  ҳосил қиламиз, унинг тенгламалари қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$x'_{k+1} = [A_0 - B_0 k_k^T] x'_k + B_0 u_{1,k} + w'_k; \quad x_{0|0} = x_0^0; \quad y'_k = Hx'_k + v'_k.$$

Ички контур ҳолатини баҳолаш қурилмаси ўзида ички контурнинг эталон модели учун қурилган Калман филтритини тақдим қилади

$$\hat{x}'_{k+1} = [A^M - \tilde{k}_k H] \hat{x}'_k + \tilde{k}_k y_k + B^M u_{1,k}, \quad \hat{y}'_k = H \hat{x}'_k, \quad \tilde{k}_k = P_k H^T R_k^{-1},$$

$$P_{k+1} = A^M P_k + P_k (A^M)^T - P_k H^T R_k^{-1} H P_k + Q_k.$$

Ҳолат ва кузатишларнинг кенгайтирилган  $x_{p,k} = (x_k, x'_k)$ ,  $y_{p,k} = (y_k, y'_k)$  векторларини киритамиз. У ҳолда кенгайтирилган ҳолат векторининг  $\hat{x}_{p,k} = \hat{x}_k + \hat{x}'_k$  баҳоси  $\tilde{x}_{p,k} = D \hat{x}_{p,k} = [D_1 \quad D_2] \cdot \begin{bmatrix} \hat{x}_k \\ \hat{x}'_k \end{bmatrix}$  га эга бўламиз.  $D = [D_1 \quad D_2]$  ни оптимал созлаш учун  $J = tr \{ M[y_k y_k^T] - 2HDx_{p,k} M[y_k^T] + HDx_{p,k} x_{p,k}^T D^T H^T \}$  квадратик функционални  $D$  бўйича минималлаштириш масаласини кўриб чиқамиз. Бундан, матрицани псевдоағдариш операциясидан фойдаланиш билан қуйидагига эга бўламиз:

$$D = (H^T H)^+ H^T M[y_k] \hat{x}_{p,k}^T [\hat{x}_{p,k} \hat{x}_{p,k}^T]^+ \quad (1)$$

$F = (H^T H)$  матрица (1) ифодада кўпинча бузилган матрица бўлиб ҳисобланади, яъни

$$F \in R^{m \times n}, \quad \det F = 0, \quad \text{rank} F = m < n. \quad (2)$$

Блок матрицани  $\begin{bmatrix} F^T & F_R \\ F_L & 0 \end{bmatrix} = \begin{bmatrix} F & F_L^T \\ F_R^T & 0 \end{bmatrix} \in R^{(2n-m) \times (2n-m)}$  шакллантирамиз, бу

ерда  $F_L, F_R$  – максимал рангнинг нолини чап ва ўнг бўлувчилари, яъни

$$F_L F = 0, \quad \text{rank} F_L = n - m; \quad (3)$$

$$F F_R = 0, \quad \text{rank} F_R = n - m. \quad (4)$$

Сўнгра ҳар доим  $F_L$  ва  $F_R$  бўлувчилар (2)-(4) да максимал рангга эга деб тахмин қилинади. Бунда рангларнинг қуйидаги тенглиги бажарилади:

$$\text{rank} \begin{bmatrix} F^T & F_R \\ F_L & 0 \end{bmatrix} = 2n - m.$$

Шунда  $F^+ \in R^{n \times n}$  псевдотескари матрица қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$F^+ = T F T, \quad (5)$$

бу ерда  $T = (F + F_L^T \varphi^T F_R^T)^{-1} = (F + (F_R \varphi F_L)^T)^{-1}$  – тескари биттаю-битта бўлмаган матрица;  $\varphi \in R^{(n-m) \times (n-m)}$  – ихтиёрий квадрат айлантириладиган матрица. Агар  $F_R^T F_R = F_L F_L^T = \varphi^T \varphi = I_{n-m}$  ярим ортогоналлик шартлари бажарилса, шунда (5) псевдотескари матрицани ҳисоблаш формуласи қуйидаги кўринишни олади:

$$F^+ = (F + (F_R \varphi F_L)^T)^{-1} - F_R \varphi^T F_L. \quad (6)$$

Осон бўлиши учун,  $\varphi$  матрицани ифодадан чиқариб ташлаш билан (6) нинг ўрнига  $F^+ = (F + (F_R F_L)^T)^{-1} - F_R F_L$ .

Бу ерда, шунингдек, бошқариладиган объектларнинг ҳолатини Калман типдаги кенгайтирилган кузатувчилар асосида робаст баҳолаш ва мунтазамлаш усуллари асосида параметрик ноаниқлик шароитларида бошқариладиган объектларнинг ўтиш матрицасини идентификациялаш алгоритмлари ҳам кўриб чиқилган.

Келтирилган мунтазам ҳисоблаш процедуралари созланадиган модели адаптив бошқариш тизимларида ростлагичнинг параметрларини баҳолаш алгоритмларини синтезлаш масаласини мунтазамлаштириш ва параметрик ноаниқлик шароитларида бошқариш жараёнларининг сифат кўрсаткичларини ошириш имконини беради.

Диссертацияни «**Ноаниқ динамик объектларни барқарорлаштиришнинг мунтазам алгоритмларини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида ноаниқ динамик объектларни барқарорлаштириш тизимларини синтезлашнинг мунтазам алгоритмларини ишлаб чиқиш натижалари келтирилган.

Маълумки, бошқариладиган объектнинг тасвирланиши аниқ маълум бўлмайди. Шу сабабли математик моделга таянадиган ҳар қандай бошқариш алгоритми ушбу моделнинг “билинар-билинемас ғимирлашларига” нисбатан маълум бир турғунликка эга бўлиши, яъни бу ғимирлашларга нисбатан қўпол бўлиши лозим. Қуйидаги тенглама билан тасвирланадиган бошқариладиган объектни кўриб чиқамиз:

$$x_{t+1} = A x_t + B u_t + \xi_t, \quad (7)$$

бунда унинг тахминий модели  $x_{t+1} = C x_t + D u_t + \xi_t$ , бу ерда  $x_t \in R^n$ ,  $u_t \in R^m$ ,  $\xi_t \in R^n$  – мос равишда ҳолат, бошқариш ва ўлчанмайдиган ғалаёнлар векторлари;  $A$ ,  $B$ ,  $C$ ,  $D$  – тегишли ўлчамли матрицалари.

Локал оптималлаштиришнинг модификацияланган усулига мувофиқ  $t$  вақт momentiда барқарорлаштирадиган бошқариш қуйидаги масаланинг ечими сифатида қидирилади:

$$\|C x_t + D u_t + x_t - C x_{t-1} - D u_{t-1}\| \rightarrow \min, \quad u \in R^m. \quad (8)$$

Бошқаришни топишнинг мазкур процедураси бир кадамли оптималлаштириш ғоясига мос келади: ҳар бир  $t$  вақт моментида  $x_{t+1}$  вектор ва ўлчанмайдиган ғалаённи қандайдир бир баҳосининг йиғиндиси минималлаштирилади.

$\text{Ker}D = \{0\}$  бўлганлиги ва  $D^T D$  – тескари матрица мавжуд бўлганлиги сабабли,  $L = (D^T D)^{-1} D^T$  деб белгилаш билан (8) дан

$$u_t = -L((C + I)x_t - Cx_{t-1} - Du_{t-1}),$$

ни ёки (7) ни ҳисобга олиш билан қуйидагини топамиз

$$u_t = -L(Cx_t + (A - C)x_{t-1} + (B - D)u_{t-1} + \xi_{t-1}). \quad (9)$$

$v_t = u_t - \hat{u}$  деб белгилаймиз, (7) ва (9) ифодаларга кўра қуйидагини оламиз:

$$x_{t+1} = (A - BLC)x_t - BL(A - C)x_{t-1} - BL(B - D)v_{t-1} + BL(\xi - \xi_{t-1}) - (\xi - \xi_t). \quad (10)$$

(10) ифодани вектор-матрица шаклида ёзамиз ва  $z_t = (x_t, x_{t-1}, v_{t-1})^T$ ,  $\zeta_t = (\xi - \xi_t, \xi - \xi_{t-1}, 0)^T$  га асосан  $\det(\Lambda_0 - \lambda I) = \lambda^{n+m} \det(C - DLC - \lambda I)$  бўлишини кўрсатиш мумкин, яъни  $\Lambda_0$  матрицанинг хусусий қийматлари модул бўйича бирдан кичик бўлиши келиб чиқади. Бу локал оптимал барқарорлаштиришнинг кўполлигини кўрсатади. Агар  $D$  матрица тўлиқ рангга эга бўлмаса у ҳолда кўриб чиқиладиган масала нотўғри қўйилган масала бўлади ва бунда мунтазам усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

$n \times m$  ўлчамли  $D_m = (d_1, d_2, \dots, d_m)$  матрицани кўриб чиқамиз. Бунда устунлари бўлган  $d_j$ ,  $i = 1, 2, \dots, m$ . векторлари хизмат қилади.  $D_{m-1}$  яққол белгилашдан фойдаланиш билан бу матрицани  $D_m = (D_{m-1} \mid d_m)$ ,  $m = 2, 3, \dots$  кўринишда тақдим қилиш мумкин.  $D_1$  матрицани псевдоағдариш  $D_1^+ = d_1^T / d_1^T d_1$  формула бўйича амалга оширилади.

$D_{m+1}^+$  псевдотескари матрицани кетма-кет топиш учун Гревилль усулидан фойдаланамиз. Бундан қуйидагини оламиз  $D_{m+1}^+ = (D_m^+ [I - d_{m+1} k_{m+1}^T] / k_{m+1}^T)$ ,  $k_{m+1}^T$  параметр  $D_m$  матрица ва  $d_{m+1}$  векторнинг қийматлари билан белгиланади.

Келтирилган ҳисоблаш усуллари ноаниқ динамик объектларни барқарорлаштириш тизимларини синтезлаш масаласини мунтазамлаштириш ва яқинлаштирилган математик моделлар бор бўлганда бошқариш жараёнларининг сифат кўрсаткичларини ошириш имконини беради.

Ташқи ғалаёнлар ва сигналли ноаниқлик мавжуд бўлганда барқарорлаштириш масаласини кўриб чиқамиз. Бошқариш объектининг тенгламаси

$$x_{k+1} = [A + \eta_k] x_k + B u_k, \quad x_k(0) = x_0$$

бўлсин, бу ерда  $A$  – тизимда қабул қилса бўладиган ўтиш жараёнларини таъминлайдиган маълум матрица,  $\eta_k$  – параметрик ғалаёнлар матрицаси.

$\eta_k$  параметрик ғалаёнларни компенсациялаш учун бошқариш қуйидагича танланиши мумкин:

$$u_k = -R^{-1} B^T [S_k^* + s_k] x_k,$$

бу ерда  $s_k$  – созланадиган параметрлар матрицаси.  $\eta_k$  параметрик

ғалаёнларни тўлиқ компенсациялаш учун

$$BR_k^{-1}B^T s_k = \eta_k. \quad (11)$$

муносабатдан фойдаланилади.

Қуйида (11) кўринишидаги тенгламалар тизимини Качмаж проекцион алгоритмидан фойдаланиш асосида ечиш алгоритминини келтирамыз. Ечимни мунтазамлаштириш учун (11) тенгламани

$$G_k s_k = \eta_k, \quad (12)$$

кўринишда тақдим қиламыз, бу ерда  $G_k = BR_k^{-1}B^T$ .

$$s_k^i = s_k^{i-1} + G_{k,l}^+(\eta_l - G_l s_k^{i-1}), \quad l = \text{mod}_p(i), \quad (13)$$

формула бўйича ҳисобланадиган  $s_k^i$  кетма-кетлик (12) тизимнинг  $s_k^*$  ечимига яқинлашади, бу ерда  $G = [G_1^T \dots G_p^T]^T$ ,  $\eta = [\eta_1^T \dots \eta_p^T]^T$ . Алгоритмни яқинлашувчанлик тезлигини чизиқли хилма-хилликларнинг оғишига боғлиқлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқамиз.  $r_k^{i,i-1} = s_k^{i-1} - s_k^i$ ,  $r_k^i = s_k^i - s_k^*$  белгилашларни киритамиз. (13) дан қуйидаги келиб чиқади:

$$r_k^{i,i-1} = -G_{k,l}^+(\eta_{k,l} - G_{k,l} s_k^{i-1}) = G_{k,l}^+ G_{k,l} s_k^{i-1} - G_{k,l}^+ \eta_{k,l}. \quad (14)$$

$G_{k,l}^+ \eta_{k,l} \in R_l$ ,  $G_{k,l}^+ G_{k,l} s_k^{i-1} \in R_l$  эканлиги маълум, шундан келиб чиққан ҳолда  $r_k^{i,i-1} \in R_l$ . (13) нинг ҳар иккала қисмидан  $s_k^*$  ни айириб ташлаш ва (3.20) ни ҳисобга олиш билан қуйидагини оламиз:

$$r_k^i = r_k^{i-1} - r_k^{i,i-1}, \quad r_k^{i,i-1} = G_{k,l}^+ G_{k,l} r_k^{i-1}. \quad (15)$$

Итерацион жараённинг (15) тўхтатиш мезони қуйидаги кўринишда танланади:

$$\|r_k^{i,i-1}\| = \|z_k^{i-1} - z_k^i\| \leq \varepsilon. \quad (16)$$

Келтирилган ҳисоблаш процедуралари итерацион алгоритм асосида чизиқли ноаниқ динамик объектларни барқарорлаштириш масаласини мунтазамлаштириш ва бошқариш жараёнларининг сифат кўрсаткичларини ошириш имконини беради.

Адаптив тизимларни синтезлашда кўрилаётган тизимларнинг диссипативлик хусусиятини таҳлил қилиш муҳим масала ҳисобланади. Стохастик объектларни адаптив бошқариш тизимларининг диссипативлиги тўғрисидаги масалада барқарорлаштирувчи ростлагичнинг параметрларини турғун баҳолашнинг мунтазам алгоритмларини кўриб чиқамиз. Қуйидаги кўринишдаги

$$a(\nabla; \xi) y_i = b(\nabla; \xi) u_i + v_i(\xi), \quad (17)$$

тенглама билан тасвирланадиган бошқариладиган объектни кўриб чиқамиз, бу ерда  $u_i$  ва  $y_i$  – объектнинг скаляр кирувчи ва чиқувчи сигналлари,  $a(\nabla; \xi)$  ва  $b(\nabla; \xi)$  полиномлар қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\begin{aligned} a(\lambda, \xi) &= 1 + \lambda_1 a_1(\xi) + \dots + \lambda^r a_r(\xi), \\ b(\lambda, \xi) &= \lambda^k [b_k(\xi) + \dots + \lambda^{r-k} b_r(\xi)]. \end{aligned} \quad (18)$$



(18)даги полиномларнинг  $\xi$ ,  $k = k(\xi)$  га боғлиқ бўлган коэффициентлар тўпламини  $k$  орқали белгилаймиз  $k(\xi) = \text{col}(a_{i_1}(\xi), \dots, a_{i_l}(\xi), b_{j_1}(\xi), \dots, b_{j_m}(\xi))$ ,  $1 \leq i_l \leq r$ ,  $k \leq j_m \leq r$ .

Аҳамиятга молик параметрларнинг  $k(\xi)$  вектори маълум бўлганда ростлагичнинг коэффициентлари учун тенгламалар тизимини қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$Az = f, \quad A: Z \rightarrow F \quad (19)$$

бу ерда  $A = A(k)$  ва  $f = f(k)$  функциялар  $g(\lambda) = a(\lambda)\alpha(\lambda) - b(\lambda)\beta(\lambda)$  оптимал тизимнинг тавсифий полиномлари ва  $\alpha(\nabla, k)u_t = \beta(\nabla, k)y_t$ ,  $z = \text{col}(\alpha_1, \dots, \alpha_p, \beta_1, \dots, \beta_p)$  ростлагичнинг  $\alpha(\lambda, k)$ ,  $\beta(\lambda, k)$  полиномлари асосида аниқланади,  $p$  – ростлагичнинг фарқ тартиби.

Агар  $\alpha(\lambda, k)$ ,  $\beta(\lambda, k)$  полиномлар умумий илдизларга эга бўлмаса, яъни (17) бошқариладиган объект – бошқарилувчан бўлса, у ҳолда (19) тизим қандайдир бир  $p \leq r$  да  $z$  га нисбатан бир қийматли тарзда ечилувчан бўлади. Бироқ бошқариладиган объект ҳамма  $k$  ларда ҳам бошқарилувчан бўлмаса, у ҳолда (19) тизим ечилмайдиган бўлиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда мунтазам усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

(19) масалани аппроксимациялаш шартларини  $\|A - \bar{A}\| \leq h$ ,  $\|f - \bar{f}\| \leq \delta$  кўринишда қабул қиламиз, бу ерда  $\bar{A}$  ва  $\bar{f}$  – мос равишда матрица оператори ва (19) тенгламанинг ўнг қисмини аниқ қийматлари. Мунтазамлаштириш усулини қўллаш

$$(A^T A z + \alpha C) z_\alpha = A^T f \quad (20)$$

тизимни  $\alpha$  параметрнинг турли қийматларида кўп маротаба ечишга келтирилади. Бу ерда  $C$  - симметрик, мусбат аниқланган матрица.

